

Шайх Мухтор Мағровий ҳазратлари



09:23 / 25.02.2024 2354

Шайх Мухтор Мағровий машҳур авлиё олим шайх Муҳаммад ибн Умар Ҳуварийнинг насл-насабидан бўлиб, насабини набиралари Ҳасан розияллоҳу анҳу орқали жанобимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, набираси Идрис орқали олиб боради. (Аллоҳ ундан рози бўлсин).

Шайх Мухторга тасаввуф ва бошқа диний илмларда ижозаларини ўзининг маънавий йўлбошчиси ва Усмонли халифалигининг сўнгги олими шайх Муҳаммад Эмин раҳматуллоҳи алайҳдан олганлар. Устозлари орасида марҳум муҳаддис шайх Мустафо Аъзомий розияллоҳу анҳуни жуда яхши кўрар, уни кадрлар, илмий масалаларда маслаҳатлашар ва кутубхонасини унга васият қилиб қўяди.

Шайх Мухтор кўп йиллар мобайнида Қўшма Штатларда турли анжуманларда маърузалар ўқиган, дарслар берган. 2018 йилдан бери у Туркиянинг Истанбул шаҳрида истиқомат қилади. У ерда, шу кишининг ташаббуси билан ташкил этилган, Ал-Мадина институтининг қошидаги Суҳба дастурини асосчиси ҳамда устози сифатида фаолият олиб бормоқда. Суҳба – диний-марифий дастур бўлиб, унда кенг қамровли диний илмлар, айниқса, руҳий тарбияга урғу берилиб, шу билан бирга уларни ҳаётда тадбиқ қилиш ўргатилади.

Шайх Мухтор услубларини ўзига хослиги унинг мақсади бирлигидадир. Ҳар бир билим соҳаси хоҳ назарий, хоҳ ҳуқуқий, тарихий, тафсир бўлсин, эътиқодимизнинг ажралмас доимийларига хизмат қилиши лозим. Булар: тажрибавий (ва шунчаки интеллектуал ёки академик эмас) тавҳид ва гўзал ахлоқдан иборат.

Шайх Мухтор исломий фанлардан ташқари Сиракуз университетидида (АҚШ) физика бўйича магистр ва электротехника бўйича PhD (иккаласи ҳам имтиёзли) даражасини олиб, университетда бир муддат муҳандислик, математика, физика ва диний илмлар бўйича дарслар берган.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 сентябрдаги 03-07/7119-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.